

Термиз туманида жорий йилнинг 5 ойи давомида 216 та никоҳ, 45 та ажрашиш ҳолатлари қайд этилган



Куни-кеча туман ҳокимлигига оиласарда қадриятларни мустаҳкамлаш, оилавий низоларнинг олдини олиш, ажрим ёқасига келиб қолган оиласар билан индивидуал ишлаган ҳолда уларни яраттириш чораларини кўриш мақсадида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда туман Оила ва хотин-қизлар бўлими, туман прокуратураси, туман Ички ишлар бўлими, туман ФХДЁ ходимлари ҳамда диний соҳа вакилларини жалб қилган ҳолда ажрим ёқасига келиб қолган, ўзаро низоли бўлган 22 та оила билан сұхбатлар ташкил этилиб, уларнинг мавжуд муаммолари муҳокама қилинди.

Ҳар бир оила билан ўтказилган сұхбатлар давомида катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган нуронийлар, диний соҳа ҳодимлари ҳамда ҳуқуқшунослар томонидан ажрашининг диний, дунёвий ва ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида тушунтиришлар берилди. Оиласарнинг бир қанчаси шу ернинг ўзида яраттириш чоралари кўрилган бўлса, айрим оиласарни ярашиш бўйича муддатлар белгиланди.

Яраттириш ишларини олиб бориш, оиласар билан манзилли ишлаш бўйича маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларига тегишли вазифалар юкланди.